

«Сиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни танийсизми?» шиори остида мавлид тадбири ўтказилди



14:54 / 18.10.2021 2193

Кеча 17 октябр куни пойтахтимиздаги «Аксу» ресторанида Qur'on TV илмий-маърифий онлайн телеканали бошчилигида «Қўшнилар» хайрия гуруҳи ҳомийлигида «Сиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни танийсизми?» шиори остида мавлид маросими ўтказилди.

Ушбу тадбирда «Эшонхўжа ота» жоме масжиди имом-хатиби Авазхўжа домла Баҳромов, «Ал Ҳудайбия» жоме масжиди имом-хатиби Миродулло домла Ғоибназар ўғли, Qur'on TV ва Islom uz сайти ходимлари ҳамда хайрия гуруҳи кафилликка олган болажонлар ва уларнинг оналари иштирок этдилар.

Тадбир анъанага мувофиқ Қуръони Карим тиловати билан бошланди сўнгра дуолар қилинди. Кейин хайрия гуруҳи ташкилотчиси Жамшид Назаров сўзга чиқиб, «Қўшнилари» хайрия гуруҳи ишлари ҳақида маълумот берди. Мавлид тадбирини кўтарники руҳда, болажонларга мос тарзда олиб боришда Нозимжон домла Ҳошимжон ҳамда Қамариддин Бекмуҳаммадлар тақлиф этилди. Шунингдек, болажонлар ўзлари тайёрлаб келган нашидалар, салавотлар, ҳадислар ва шеърлар айтдилар. Мавлид тадбири юқори савияда, болажонларнинг шўх-шодон кулгулари остида ўтказилди. Тадбир жараёнида ташриф буюрган меҳмонлар томонидан викторина мусобақаси ўтказилиб, унда болаларга сийратга оид саволлар берилди. Сийрат мусобақасида ғолиб бўлган 1,2,3 ўрин олган иштирокчиларга қимматбаҳо эсдалик совғалар ҳамда ташаккурномалар устозлар томонидан тақдим этилди. Хусусан, барча тадбир иштирокчиларига ҳам совғалар улашилиб, сўнга зиёфат дастурхонига тақлиф этилди. Зиёфат асносида болалар учун қизиқарли аттракционларда ўйнаш шароити яратиб берилди. «Қўшнилари» хайрия гуруҳи томонидан 90 га яқин оилаларга ҳамда 250 дан ортиқ болаларга ҳадялар тарқатилди.

Тадбир сўнгида устозлар болажонлар ҳаққига хайрли дуолар қилдилар. Аллоҳ таоло яхшилик ишларда хайрихоҳ бўлганларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан жаннатда қўшни қилсин!

<https://t.me/islomuz/21338>